

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019. Т.03.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ШАРИПОВ ЖАМШИД ОЛИМОВИЧ

**КОМПЛЕКС ИШЛОВ БЕРИШ УСУЛИ БИЛАН ДИСКСИМОН ФРЕЗА
ТИШЛАРИ ЕМИРИЛИШГА БАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ**

**05.02.01-“Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга
термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар
металлургияси. Камёб, нодир ва радиоактив элементлар технологияси”**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of dissertation of doctor of philosophy (PhD)

Шарипов Жамшид Олимович

Комплекси ишлов бериш усули билан дисксимон фреза тишлари емирилишга бардошлини ошириш.....3

Шарипов Жамшид Олимович

Повышения износостойкости поверхности зубьев дисковых фрез методом комплексной обработки.....23

Sharipov Jamshid Olimovich

Increasing the resistance of the surface of the teeth of disk milling cutters by the method of complex processing.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works46

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019. Т.03.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ШАРИПОВ ЖАМШИД ОЛИМОВИЧ

**КОМПЛЕКС ИШЛОВ БЕРИШ УСУЛИ БИЛАН ДИСКСИМОН ФРЕЗА
ТИШЛАРИ ЕМИРИЛИШГА БАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ**

**05.02.01-“ Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга
термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металллар
металлургияси. Камёб, нодир ва радиоактив элементлар технологияси ”**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент -2023

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Т1143 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро муҳандислик–технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тураходжаев Нодир Джахонгирович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Дуняшин Николай Сергеевич
техника фанлари доктори, профессор

Ахмедов Ҳасан Исломович
Техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 рақамли Илмий кенгашининг 2023 йил «18» февраль соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Университет кўчаси 2-уй. Тел./факс: (99871) 227-10-32, e-mail: tadqiqotchi@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (304 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси 2-уй. Тел./факс: (99871) 227-10-32).

Диссертация автореферати 2023 йил «4» феврал куни тарқатилган.
(2023 йил «03» февраль № 157 рақамли реестр баённомаси).

К.А.Каримов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ш.Б.Ташбулатов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, техника фанлари
бўйича фалсафа доктори, PhD

Н.С.Дуняшин
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д. профессор

КИРИШ(фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда машинасозлик соҳасида мураккаб тузилишли, ишлов бериш қийин бўлган материал қотишмаларидан турли деталлар ишлаб чиқаришда қўлланилади. Бундай қотишмаларга ишлов бериш учун кесишнинг талаб қилинадиган бурчакларини ва қириндининг тўсиқсиз олиб ташланишини таъминлайдиган махсус геометрияли фрезалардан фойдаланилади. Шу билан бирга ион плазмали яъни кимёвий-термик ишлов бериш ва қоплама қоплаш йўли билан ишлов беришга асосланган усуллар ёрдамида кесувчи асбобнинг ишчи юза қатламини модификациялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда ривожланган давлатларда деталларни кесиб ишлов бериш билан ишлаб чиқариш асосий харажатларни катта қисмини ташкил этади. Бу борада, кесувчи асбобларни турғунлигини ошириш учун ишлов берилишларнинг бир нечасини кетма-кет қўллаб, комплекс ишлов беришнинг мақбул технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳоннинг ривожланган давлатларида машинасозлик саноатида кесувчи асбобларнинг турғунлигини, кесиш жараёнидаги қонуниятлар, унинг емирилишга, ишқаланишга, иссиқликка бардошлигини ошириш учун ион плазмали таъсир этиш йўли билан ишлов беришга асосланган усуллар ёрдамида юза қатламини модификациялаш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, хусусан, кесувчи асбобларнинг юзасига қопланган қопламанинг хизмат муддатини ошириш ва таг қуйма билан адгезиясини яхшилаш учун кимёвий-термик ишлов беришларни қўллаб мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда охириги йилларда машинасозлик саноати технологияси жадаллик билан ривожланиб, деталларни маҳаллийлаштириш ҳисобига ушбу соҳада импорт қилинадиган маҳсулотлар улушини сезиларли даражада камайтириш, ресурс тежамкорликни таъминловчи мавжуд технологияларни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилиб, бунда чет эл тажрибаларидан самарали фойдаланиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Янги Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича тараққиёт стратегиясида «иктисодийга инновацияларни кенг жорий қилиш, саноат корхоналари илм-фан муассасаларининг кооперация алоқаларини ривожлантириш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада машинасозлик саноатида кесувчи асбобларга комплекс ишлов бериш усули билан уларнинг турғунлигини ошириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги №ПҚ-4426-сон «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш соҳасида кооперацияни жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-61-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

этишдаги масъулиятини янада ошириш тўғрисида»ги, 2019 йил 4 октябрдаги №ПҚ-4477-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019-2030 йилларга мўлжалланган «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2020 йил 15 мартдаги №ПҚ-6079-сон «Рақамли Ўзбекистон - 2030» Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кесувчи асбобларнинг турғунлигини, кесиш жараёнидаги қонуниятлар, унинг емирилишга, ишқаланишга, коррозияга, иссиқликка бардошлигини ошириш бўйича J.Lin, M.O'Hara, M.Gueye, S.Ammar-Merah, N.Nemati, C.M.Koller, S.A.Glatz, L.Rassouli M.Azadi, Y.Cheng, D.Shao, J.Zhang, Y.X.Wang, J.Mu, K.Bobzin, B.Knasiene, B.Lenz, M.Naeem, Alessandro Togni, В.П.Табаков, А.С.Верещака, С.Н.Григорьев, А.А.Верещака, С.В.Фёдоров, А.В.Исаев ва бошқалар олимлар томонидан кўплаб тадқиқотлар олиб борилган.

Республикамиз олимларидан Ж.Е.Алиқулов, В.А.Мирбобоев, М.Т.Балабеков, Ф.Ю.Якубов, Т.У.Умаров, Э.О.Умаров, А.А.Абдурахмонов, Н.С.Абдуллахонов, Ш.А.Каримов, К.А.Каримов, Т.У.Ҳолиқбердиев, А.Н.Ҳошимов, К.Б.Усмоновлар, Ҳ.И.Жалилов, Б.Т.Мардонов ва бошқалар томонидан бир қанча илмий тадқиқот ишлари олиб борилган ва ишлаб чиқаришга тавсия этилган.

Улар тамонидан кесувчи асбоб юза қатламининг мустаҳкамлигини оширишда, янги таркибли қатлам ҳосил қилиш, механик ишлов беришда иссиқликнинг энергетик балансларини илмий назарияси ва уларни янги турларини олиш технологиялари яратилган.

Шу билан бирга Республикамизда кесувчи асбобларнинг турғунлигини, кесиш жараёнидаги қонуниятлар, уларнинг емирилишга, ишқаланишга, иссиқликка бардошлигини ошириш учун ион плазмали таъсир этиш йўли билан ишлов беришга асосланган усуллар ёрдамида юза қатламини модификациялаш бўйича илмий ишлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Атех-2018-373 «Лазер нури ёрдамида чигит ва пахта уруғларини ажратиш технологик машиналарининг арра цилиндрли мосламасининг ишчи қисмининг арра тишларини кесиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2018-2020 й.й.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мураккаб тузилишли материалларни фрезалашда, тез кесар асбобсозлик пўлатли дисксимон фрезага комплекс ишлов бериб, унинг тишларини емирилишга бардошлини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мураккаб тузилишли материалларни фрезалашда, тез кесар асбобсозлик пўлатли дисксимон фрезага комплекс ишлов беришнинг мақбул технологиясини ишлаб чиқиш;

кесувчи асбобларнинг юзасига кимёвий–термик ишлов беришларнинг мақбул режимларини ишлаб чиқиш;

юзаси термик кимёвий ишлов берилган, электрон нурлар билан модификациялаб легирланган ва қоплама қопланган дисксимон фрезанинг кесиш хусусиятларига ва тишлар емирилишига таъсирини аниқлаш;

юзаси кўп қатламли қоплама қопланган дисксимон фрезанинг кесиш хусусиятларига ва тишлар емирилишига таъсирини тадқиқ қилиш;

юза қатлами модификацияланган тез кесар пўлатли дисксимон фрезага қопланган турли қопламаларнинг барқарорлигини, ишга лаёқатлилиги ҳамда уларнинг бардошлилигини баҳолаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида 34ХН1МА маркали хром-никелли қотишмали наноконпонентли композицион наноструктурали қопламали кесувчи асбоблар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида 34ХН1МА маркали хром-никелли қотишмаларни фрезалашда кўп конпонентли композицион наноструктурали кесувчи асбобларни олиш технологияси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида кўп қатламли ва комплекс ишлов берилган Р6М5 тез кесар асбобсозлик пўлатли дисксимон фрезаларнинг кесиш жараёнида физик-механик ва бошқа-техник хоссаларини синаш. Тадқиқот объектларини олишда ион-азотлаш СТАНКИН АПП-2, ион-легирлаш “Ритм-СП” ва қоплама қоплаш Platit π311 қурилмасида амалга оширилди. Емирилишга бардошлилигини синаш жараёнлари ФУС-32 фрезалаш дастгоҳида ўтказилди. Кесувчи асбобнинг юза қатлами тузилишини ўрганишда металлографик усулда (оптик микроскоп CarlZeissAxio, микроқаттиқликни ўлчаш Polyvar-Met, микроскоп MicroCADlite), рентгенотузилиш усулида (Дрон-УМ), рентгеноспектрал усулида (рентгенли спектрометр FisherXULMXYm ва spektroLAB) ва электронмикроскопик (сканерловчи электрон микроскоп VEGA 3 LMN TESCAN компанияси) усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

34ХН1МА маркали мураккаб тузилишли, ишлов бериш қийин бўлган материални фрезалашда, илк бор Р6М5 тез кесар асбобсозлик пўлатли кесувчи асбобга комплекс ишлов бериш-дастлаб ион-азотлаш, ион–легирлаш ва кесувчи

асбобнинг функционал юзасини емирилишга бардошли қоплама қоплаш технологияси ишлаб чиқилган;

кесувчи асбобларнинг юзасига кимёвий–термик ишлов бериш дастлаб ион-азотлаш икки поғонали вакуум ёйли разрядда 490 °С ҳароратда, 30 минут вақт давомийлиги ва 80/20 % азот/аргон муҳитида, сўнгра, ион-легирлаш Nb₇₀Hf₃₀ элементлари орқали электрон импульсларнинг чақнаш вақти 5 мкс да, такрорийлиги эса 5-6 марта, жараёни 15 минут вақт давоми режими композициясида таг қўйманинг мустаҳкамланиш қонуниятлари асосида ишлаб чиқилган;

юзаси (ион-азотлаш+(TiAl)N, ион-азотлаш+(TiCr)N-(TiAl)N-(CrAlSi)N (nATCrO³)) кимёвий–термик ишлов бериш ва қоплама қопланган дисксимон фрезанинг 34ХН1МА маркали иссиқбардош материалга ишлов беришда кесиш хусусиятларига ва тишлар емирилишига таъсири, кесув асбоб ташқи диаметрлари, массалари ва микроскопдаги кўринишлари орқали аниқланган;

юзаси (ион-азотлаш+легирлаш(NbHf)+(TiAl)N) кимёвий–термик ишлов берилган, электрон нурлар билан модификациялаб легирланган ва қоплама қопланган дисксимон фрезанинг 34ХН1МА маркали қотишмага ишлов беришда кесиш хусусиятларига ва тишлар емирилишига таъсири аниқланган;

юзаси кўп қатламли (TiCr)N-(TiAl)N-(CrAlSi)N(nATCrO³), олмоссимон ва (TiAl)N қоплама қопланган дисксимон фрезанинг 34ХН1МА маркали мураккаб тузилишли материални юқори кесиш режими фрезалашда, кесиш хусусиятларига ва тишлар емирилишига таъсири, кесув асбоб ташқи диаметрлари, массалари ва микроскопдаги кўринишлари орқали аниқланган;

Қуйма усулида олинган 34ХН1МА материалга ишлов беришда кескич ўзаклари тиғини емирилишга бардошли қоплама қоплаш мақбул режимлари, физикавий усулда 480 °С ҳароратда, 3 соат вақт давомийлигида кесувчи асбоб юзасини емирилишга бардошлигини ошириш қонуниятлари асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

таклиф этилаётган кесувчи асбоб тез кесар пўлатли Р6М5 дисксимон фрезага комплекс ишлов бериш, дастлаб ион-азотлаш турли таркибларда, электрон нурлар асосида легирлаш ва охириги емирилишга бардош вакуум ёйли қоплама қоплаш жараёнларини мақбул шароитлари кесувчи асбоб турғунлиги бўйича ишлаб чиқилган;

кесувчи асбобнинг юкланиш шароитларини ҳисобга олган ҳолда, комплекс ишлов бериш, тез кесар пўлатли дисксимон фрезани юза қатламида оптимал тузилишни ва хусусиятлари аниқланган;

кесувчи асбобга комплекс ишлов бериш жараёнларининг мақбул шароити ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқ қилинган муаммо соҳасида маълум назарий, экспериментал

тадқиқотларнинг мослиги, изланишларнинг айрим қисмлари соҳа бўйича ривожланган тадқиқот лабораториясининг, яъни Москва давлат технология университети “СТАНКИН”нинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда асосли танланганлиги, ўтказилган апробациялар Республикамиз саноатининг йирик ишлаб чиқариш корхонаси Навоий кон металлургия комбинатига қарашли “Навоий машинасозлик заводи”да жорий этилганлиги, натижаларнинг ижобийлиги, уларнинг ўрганилган фан соҳасидаги маълумотлар билан қиёсий таҳлил қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кимёвий-термик ишлов бериш ва қоплама қоплаш технологиясининг илғор технологиясидан фойдаланиб кесувчи асбобнинг емирилишга бардошлиги оширилганлиги, Р6М5 тез кесар кесувчи асбобнинг ишлаш самарадорлигининг оширишни илмий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти комплекс ишлов берилган ва кўп қатламли дисксимон фрезалар турларининг хоссаларини ўрганиш ва комплекс ишлов бериш асосида уларнинг таг қуйма асосини пластик деформацияланишини камайтириш ҳисобига, емирилишга бардош кесувчи асбоблар машинасозлик корхоналарида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Комплекс ишлов бериш усули билан дисксимон фреза тишлари турғунлигини ошириш учун технологик жараёнлардан ўтган яъни ион-азотлаш, ион-легирлаш ва емирилишга бардошли қоплама қоплаш орқали кесувчи асбобларни емирилишга бардошлилиги ишлаб чиқариш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

- Р6М5 тез кесар асбобсозлик пўлатли дисксимон фрезага дастлаб ион-азотлаш+ ион-легирлаш(NbHf)+(TiAl)N янги таркибли комплекс ишлов бериш технологияси натижасида дастлабгига қараганда емирилишга бардошлиги 5 мартага, дастгоҳнинг иш унумдорлиги 18% га ошириш имконини берди;
- Р6М5 тез кесар асбобсозлик пўлатли дисксимон фрезага дастлаб ион-азотлаш+(TiCr)N-(TiAl)N-(CrAlSi)N (nATCrO³) янги таркибли қоплама қоплаб ишлов бериш технологияси дастлабгига қараганда емирилишга бардошлиги 3 мартага, дастгоҳнинг иш унумдорлигини 12% га ошириш имконини берди;
- Р6М5 тез кесар асбобсозлик пўлатли дисксимон фрезага (TiCr)N-(TiAl)N-(CrAlSi)N (nATCrO³) янги таркибли қоплама қоплаб ишлов бериш технологияси дастлабгига қараганда емирилишга бардошлиги 2 мартага, дастгоҳнинг иш унумдорлигини 9% га ошириш имконини берди;
- комплекс ишлов бериш усули билан дисксимон фреза тишлари турғунлигини ошириш учун технологик жараёнлардан ўтган яъни ион-азотлаш, ион-легирлаш ва емирилишга бардошли қоплама қоплаш орқали

кесувчи асбобларни емирилишга бардошлилиги ишлаб чиқариш бўйича олинган илмий натижалар асосида комплекс ишлов бериш усули билан дисксимон фрезалар тишларининг турғунлигини, емирилишга бардошлилигини ошириш технологияси «Навоий машинасозлик заводи» ИЧБда амалиётга жорий этилган («Навоий кон металлургия комбинати» ДК нинг 2021 йил 15 ноябрдаги № 02-06-01/11036-сон маълумотномаси). Натижада дисксимон фреза тишлари турғунлигини ва емирилишга бардошлилигини ошириш имконини берган. Натижада Р6М5 кесувчи асбобининг ишлаш самарадорлигининг 20% ва унумдорлигини 10% ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 24 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этилиши тавсия қилинган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан (2 таси SCOPUS базасидаги) 4 таси хорий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Олмоссимон қопламалар. Қопламаларнинг қоплашиш усуллари, хоссалари, уларнинг ишлатилиши**» деб номланган биринчи бобида ҳозирги вақтда кесувчи асбобларнинг ишлаш қобилиятини ва турғунлигини оширишнинг усуллари, қопламалар турлари, физикавий чўктириш усулида қоплама қоплашнинг афзалликлари, кесувчи асбобларга қоплама қоплашнинг зарурати ҳақида маълумотлар берилган.

Емирилишнинг даврларга боғлиқлиги графиклар орқали ёритишга ҳаракат қилинган. Емирилишга чидамли қопламалар таркиби ва уларни тез кесар асбобларга қоплаш технологиясини илмий асоси ва кесувчи асбобларга турли элементларни қоплаган олимлар тадқиқоти таҳлили берилган. Олмоссимон қопламалар, хоссалари, тузилиши ва уларнинг ишлатилиши. Комплекс ишлов берилган кесувчи асбобларнинг микроқаттиқликлари келтирилган.

Диссертациянинг «Илмий тадқиқот иши объекти, қўлланилган материаллар ва тадқиқотлар усуллари» деб номланган иккинчи бобида илмий тадқиқот иши объекти, илмий тадқиқот ишида қўлланилган кесувчи асбоб материаллари, унинг хоссалари, кимёвий таркиби ва уларга қопланган қопламалар келтирилган.

$\alpha\text{-TiCrO}_3$ қопламаси Platit $\pi 311$ қурилмасида чўктирилганлиги. Platit $\pi 311$ қурилмасининг катодга плазмадан келадиган солиштирма қуввати $1,1 \cdot 10^4$ ВТ/м² га тенг. Тадқиқотлардан кўринадикки, титан катод деворининг 20 мм қалинлигида юза ҳарорати 35–40°C га тенг бўлиши мумкин. Магнит майдони индукциясининг катод юзасига тангенциал компоненти $B=11-12$ мТл қийматга эга. Магнит майдони индукциясининг катод юзасига нормал компоненти $B=12-14$ мТл қийматга эга. Қопламалар азот ва ток разрядининг тенг босимида чўктирилди. Чанглатиш вақтида азотнинг босими $2 \cdot 10^{-1}$ Па, ток разряди 120А, кучланиш 24 В ни ташкил этди. Иккала қурилма учун қопламаларнинг қалинлиги 4 мкм ни ташкил этди. Қопламаларни қоплаш учун тоза Cr ва AlSi(88:12%) металл қотишмалари катоддан фойдаланилди. Аргон ионлари билан тозалаш аргоннинг ион боғламида анод кучланиши 800/200В ва ток 0,5А бўлганда, 20 минут давомида амалга оширилганлиги келтирилган.

Қопламаларнинг хоссаларини ўрганиш усуллари. Рентген ёрдамида фотоэлектрон спектроскопияси, ишлов берилган тайёрланма маркаси, таркиби ва кесиш кучлари формулалари келтирилган.

Диссертациянинг «Р6М5 тез кесар асбобсозлик пўлатига вакуум-ёйли разрядли газли плазмада ион-азотлаш ва паст энергияли кучли токли электрон нурлари орқали ион-легирлаш усуллари ўрганиш» деб номланган учинчи бобида кесувчи асбобларни ион-азотлаш, ион-легирлаш жараёнлари кимёвий-термик ишлов бериш келтирилган. Кимёвий-термик ишлов бериш юзанинг кимёвий таркиби, тузилиши ва хусусиятларининг ўзгаришига олиб келиши масаласи кўриб чиқилган. Азотланган қатламнинг фазавий таркиби ва тузилиши. Азотланган қатлам тузилишининг емирилишга чидамли тез кесар асбобсозлик пўлатдаги қоплама адгезия боғининг мустаҳкамлиги ва асбобнинг ишлашига таъсири ўрганилган.

Азотланган қатламнинг микроқаттиқлиги ва қалинлигини ўрганилган. Кимёвий-термик ишлов беришнинг иккинчи қатлами ион-легирлаш РИТМ-СП қурилмасида паст энергияли кучли токли электрон нурлари орқали амалга оширилганлиги. Анъанавий усулларга муқобил сифатида паст энергияли кучли токли электрон нурларидан (ПЭКТЭН) фойдаланган ҳолда пўлат ёки тез кесар асбобларда емирилишга чидамлилиги юқори бўлган микрон қалинлигидаги легирланган юза қатламнинг яратилиши бўлиши бўлди. Тез кесар пўлатнинг юза олди қатламида NbHf қотишма қатламини олиш учун емирилишга чидамли стехиометриксиз карбидлар қатламини ҳосил қилиш мақсадида намуналарга магнетрон ёрдамида юпқа, қалинлиги 150-250 нм бўлган қоплама қопланди.

Генерация ва транспортировканинг бундай схемасидан фойдаланиш токнинг зичлиги 104 A/cm^2 гача ва электронлар энергияси 15–30 кэВ бўлган микросекунд узунликдаги коллектор нури олиш имкониятини яратади. Бир вақтнинг ўзида нишонни қайта ишлаш майдони нурнинг диаметрига тенг бўлиб 50 дан 100 cm^2 ни ташкил этиши мумкин. Материалларни ион билан легирлаш, ёки бошқача қилиб айтганда ионни киритиш ва ион инплантацияси ҳозирги вақтда материалларнинг юза қатламларининг электрфизикавий, кимёвий, оптик, механикавий ва бошқа хусусиятларини модификациялаш учун қўлланадиган асосий технологик жараёнга айланмоқда.

Ушбу афзалликларга қуйидагилар киради: универсаллик, яъни ҳар қандай материалга ҳар қандай қоришмани киритиш мумкинлиги; таъсирнинг локаллиги; юза остини иситмаслик; аралашмаларни қатъий дозалаш имконияти; бошқаришнинг соддалиги; киритилаётган аралашмаларнинг тозаллиги ва бошқалар.

Диссертациянинг «**Комплекс ишлов бериб, юза қатлами модификацияланган Р6М5 тез кесар асбобсозлик пўлатли кесувчи асбобларни кесиш қобилиятига таъсири**» деб номланган тўртинчи бобида комплекс ишлов бериш-термик, кимёвий-термик, қоплама қоплаш ва бошқа бир қанча жараёнларнинг уйғунлиги ҳисобланиши, кесувчи асбоб юзасини ўзгартирувчи ҳар бир усуллар, таъсир этувчи заррачаларнинг энергия даражасига ва уларнинг хусусиятларига қараб, ишлов берилган сирт билан ўзаро таъсирнинг ҳар хил хусусиятларини намоён этиши келтирилган.

Дастлаб кесувчи асбобни қайта ишлашдан олдин MicroCADlite қурилмасида (GFM, Germaniya) дисксимон фрезаларнинг геометрик параметрларини, асосий бурчакларини ва кесиш четининг эгилиш(ўтмаслашиш) радиусини назорат қилиш ва ўлчаш амалга оширилди. Тез кесар Р6М5 асбобсозлик пўлатли дисксимон фрезага комплекс ишлов бериш- дастлаб икки поғонали вакуум-ёйли разрядда ион-азотлаш СТАНКН-АПП-2, паст энергияли кучли токли электрон нурлари орқали ион-легираш РИТМ-СП, емирилишга бардошли қоплама қоплаш Platit $\pi 311$ қурилмасида амалга оширилганлиги келтирилган.

Тез кесар кесувчи асбобларга комплекс ишлов бериш учун оптимал режимларни танланган. Комплекс ишлов бериш усулларини оптималлаштиришда ионли азотлаш режимларини ҳам, Олмоссимон, ион-азотлаш+(TiCr)N-(TiAl)N-(CrAlSi)N, (TiCr)N-(TiAl)N-(CrAlSi)N ($n\text{ATCrO}^3$), ион-азотлаш+ ион-легираш (NbHf)+(TiAl)N, (TiAl)N, ион-азотлаш+(TiAl)N емирилишга чидамли қопламасини қоплашнинг кейинги жараёнини ҳам ҳисобга оладиган комплекс ёндашув талаб қилинади. Тадқиқотлар ўтказилганда, комбинацияланган ион-плазма билан ишлов беришнинг оптимал режимлари деганда, кесиш жараёнида асбобнинг жадал емирилишининг минимал даражасини таъминловчи режимлари тушунилган. Комплекс ишлов берилган тез кесар асбобнинг емирилиш тезлиги қуйидаги формула бўйича баҳоланди:

$$J = \frac{h_3}{V \cdot T}$$

Бунда: h_3 –асбоб орқа юзаси емирилиш фаскасининг ўртача кенглиги;
 V –кесиш тезлиги; T –орқа юза емирилиши белгиланган фаскасини ўрнатгунга қадар фрезанинг ишлаш вақти ($h_3=0,4$ мм).

Емирилишга чидамли қопламани қоплаш режимларидан, биринчи навбатда, ҳосил бўлаётган қоплама қалинлигига таъсир кўрсатувчи қоплаш вақтини ҳисобга олиш керак. Емирилишга чидамли қопламанинг қалинлиги, ҳаттоки, қоплама таркиби оптимал равишда танланганда ҳам жуда қарама –қарши омиллар пайдо бўлиши мумкин. Бир томондан, қоплама қалинлигининг ўсиши кесувчи асбоб алоқа майдонларининг емирилишга чидамлилиги ошишига таъсир кўрсатади, бошқа томондан–қопламадаги нуқсонлар сонининг сезиларли ўсиши, қопламанинг асбоб материалига ёпишиш кучининг пасайиши ва қопламанинг эластопластик деформацияларга қаршилиқ кўрсатиш қобилиятининг пасайишига олиб келади. Кесувчи асбобнинг цикли юкланиш шароитида ишлаши пайтида қопламанинг қалинлиги 4,5 мкм ошиши, айниқса, салбий таъсир кўрсатади.

Ушбу ишда, комплекс ишлов бериш режимларини оптималлаштириш учун кўп омилли регрессион моделдан фойдаланилган, у асбобнинг емирилиш тезлиги– J ва ишлов бериш режимлари– $t_A, \tau_A, k_N, \tau_{(Ti,Al)N}$ орасидаги ўзаро алоқани ўрнатган:

$$J = C_J \cdot t_A^{x_J} \cdot \tau_A^{y_J} \cdot k_N^{z_J} \cdot \tau_{(Ti,Al)N}^{mq}$$

Бунда: $x_J, y_J, z_J; mq$ – $t_A, \tau_A, k_N, \tau_{(Ti,Al)N}$ омилларининг J емирилиш тезлигига таъсири даражасини ҳисобга олувчи кўрсаткичлар; C_J –доимий кўрсаткич.



Р6М5 асбобсозлик пўлати фрезалаш вақтида емирилишнинг минимал тезлигига эга бўлган комплекс ишлов беришдан сўнг.

1- расм. Намунанинг юза қатлами микротузилиши.

Технологик тизимнинг титрашини камайтириш мақсадида унинг бикирлиги оширилганда, кесувчи асбобнинг емирилиши сезиларли миқдорда камаяди. Асбобни узунасига фрезалаш операциялари учун текширишда кесиш режимлари қуйидагича ўзгариб турилди: Экспериментал маълумотлар ва ҳисоб-китобларни математик қайта ишлангандан сўнг, конструкцион пўлатларга ишлов бериш ва

фрезалашда асбобнинг минимал емирилиш тезлигини таъминлайдиган тез кесар асбобга комплекс ишлов бериш режимларининг қийматлари топилди.

Металлография тадқиқотлари шуни кўрсатдики, асбобнинг минимал емирилиш тезлигини таъминловчи комплекс ишлов бериш режимларида ҳосил бўладиган емирилишга чидамли қатлам қуйидаги тавсифларга мос келади: албатта, оптимал режимлар айнан шу ҳолат учун келтирилган (1-расм).

Тез кесар асбобсозлик пўлатли дисксимон фреза юзасига комплекс ишлов бериш жараён омиллари келтирилган. Ишлов бериш кесувчи асбобларни дастлаб ион-азотлаш СТАНКИН АПП-2 типидagi қурилма ёрдамида икки босқичли вакуум-ёйли газ разряди ёрдамида амалга оширилди. Ишлов бериш 30 дақиқа давомида 480°C ҳароратда ўтказилди, бу эса юза қисмида қалинлиги 80 мкм гача бўлган термохимий мустаҳкамланган ва микро қаттиқлиги $\text{HV}_{50}=115$ МПа гача бўлган қатламни яратишга имкон берди (2-расм).



2-расм. Комплекс ишлов берилган дисксимон фреза

Микроқаттиқлиги $\text{HV}_{50}=350$ МПа бўлган емирилишга чидамли pATCrO_3 қопламаси Platit фирмасининг $\pi 311$ қурилмасида қопланди. Бу қоплама $(\text{TiAl})\text{N}$ ва $(\text{nc-AlTiCrN/a-Si}_3\text{N}_4)$ кўп қатламли нанокөмпозитнинг комплекси ҳисобланади. Бундай қурилманинг имкониятлари. Емирилишга чидамли қопламани қоплашдан олдин баъзи намуналар юза қатламли ион-легирилди. Ишлов бериш РИТМ-СП паст энергияга эга кучли токли электрон манбаи, ҳамда битта вакуум камерада магнетронли пуркагичнинг иккита тизими уйғунлаштирилган қурилмасида ўтказилди. Қурилма керакли материал юзасига қопламаларни қоплаш ва кейинчалик қоплама ва юза ости материалларини кучли импульсли электрон нурлари билан суяқ фазали аралаштиришни таъминлайди. ПЭКТЭН генерацияси электронлар эмиссиясини, плазма билан тўлдирилган диодда нур ҳосил бўлишини ва уни плазма каналида ташишни ўз ичига олади.


Генерациянинг бундай схемасини қабул қилиш 15-30 кВт тезлашаётган кучланишда, $105 \text{ A}/\text{cm}^2$ ток зичлиги билан (тахминан 5 μs) бўлган микросонияли давомийликда нурни олиш имконини беради. Бунда, бир марталик ишлов бериш майдони тахминан 50 cm^2 ни ташкил қилади. Модификацияланган пўлат тузилма олинadиган юза қатлами остидаги чуқурлик легирилган таркибига қараб, 2-10 μm ни ташкил этади. 4.5а-расмда Р6М5 тез кесар асбобсозлик пўлатли нитрид намунаси юзасига энергия зичлиги $4,5 \text{ Дж}/\text{cm}^2$ ва давомийлиги 5 μs бўлган бир

қатор ПЭКТЭН импульслари сериясининг таъсири кўрсатилган. Электрон нурнинг иссиқлик эффекти юқори металл қатлами нафақат эриши учун, балки карбид компонентини очиб, фаол буғланиши учун ҳам етарлидир.

Кесувчи асбобдан турли шароитларда фойдаланиш учун олмоссимон, ион-азотлаш+(TiCr)N-(TiAl)N-(CrAlSi)N, (TiCr)N-(TiAl)N-(CrAlSi)N ($n\text{ATCrO}_3$), ион-азотлаш+ион-легирлаш(NbHf)+(TiAl)N, (TiAl)N, ион-азотлаш+(TiAl)N емирилишга чидамли қопламалар таркибини оптималлаштирилган.





Алюминий таркибига қараб, қопламаларнинг микро қаттиқлиги 9,8 дан 41,2 kH/mm^2 оралиғида бўлади. У алюминий таркибининг кўпайиши билан ўсади ва қопламада~улуши 65% AlN да ўз максимумига етади, 75 мас. % AlN дан кейин эса кескин пасаяди, TiN даражасидан анча паст (9,8 kH/mm^2 гача).

Комплекс ишлов берилган Р6М5 тез кесар асбобсозлик пўлатининг ишлаб чиқаришда қўлланиши. Комплекс ишлов берилган кесувчи асбобни ишлаб чиқариш қиймати ишлов берилмаган кесувчи асбоблар нархидан анча баланд, шунинг учун унинг эксплуатацияси шартлари ҳар хил бўлиши керак. Комплекс ишлов беришдан фойдаланишнинг асосий иқтисодий самарасига дастгоҳларнинг иш унумдорлигини сезиларли даражада ошириш, яъни кесиш режимларининг оширилиши, кесувчи асбобларни ўзгартириш ва созлашда тўхтаб туришлар сонини камайтириш, шунингдек комплекс қайта ишлов бериш нархи асбобнинг нархига нисбатан унча қиммат бўлмаган ҳолда, арзонроқ пўлат ва қиммат кесувчи асбобни қайта ишлаш ҳисобига эришиш мумкин. Комплекс қайта ишлов берилган тез кесар асбобнинг емирилиш хусусиятларини аниқлаш, шунингдек уни эксплуатация қилишнинг оптимал режимларини ўрнатиш жуда муҳим вазифадир



3-расм. Турли хил ишлов берилган тез кесар дисксимон фрезаларнинг турғунлиги..

Юза қатлами ўзгартирилиб, мустаҳкамланган кесувчи асбоблардан фойдаланишда тайёрланма юзасидаги ғадир–будирлик ($R_a=0.32$ мкм) аниқ кўрсаткичлар билан пасаяди ва ГОСТ2789 талабларига мос келади.

	
Ишлов беришдан олдинги ва кейинги кескичнинг кўриниши (ион-азотлаш+(TiCr)N-(TiAl)N-(CrAlSi)N)	Ишлов беришдан олдинги ва кейинги кескичнинг кўриниши (Олмоссимон қоплама DLC)
	
Ишлов беришдан олдинги ва кейинги кескичнинг кўриниши (ион-азотлаш+ион-легираш+ (TiAl)N)	Ишлов беришдан олдинги ва кейинги кескичнинг кўриниши ((TiAl)N қоплама қопланган)
	
Ишлов беришдан олдинги ва кейинги кескичнинг кўриниши (ион-азотлаш+(TiAl)N)	Ишлов беришдан олдинги ва кейинги кескичнинг кўриниши ((TiCr)N-(TiAl)N-(CrAlSi)N (Nacro ³) қопламали)
	
Ишлов беришдан олдинги ва кейинги кескичнинг кўриниши (ишлов берилмаган P6M5 кесувчи асбоб)	

P6M5 тез кесар асбобсозлик пўлатли дисксимон фрезаларга Москва Давлат Технология Университети “СТАНКИН”да барча ишловлар берилгандан сўнг, синов ишлари «Навоий кон металлургия комбинати» Навоий машинасозлик заводи, Асбобсозлик цехида ўтказилди (3-расм).


4-расм. Дисксимон фрезаларнинг ишлов беришдан олдинги ва кейинги ишларнинг профили.

P6M5 тез кесар асбобсозлик пўлатли дисксимон фрезаларнинг емирилиши бўйича олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, электро-нурли ион-

легирлаш билан бирга емирилишга бардош қопламалар қоплашни қўллаш кесувчи асбобларнинг емирилиш жараёнига катта таъсир кўрсатади. Емирилишга бардошлик синовлари иссиққа бардош, никел-хромли, болғаланган 34ХН1МА маркали қотишмада, кесиш тезлиги $v=10$ м/мин, суриш $s=0.110$ мм/айл, кесиш чуқурлиги $t=3$ мм. Синов ишлари натижалари юқорида келтирилган.

Маълумки, тез кесар асбобсозлик пўлатнинг метал билан тўғридан-тўғри алоқа зонасида ҳароратнинг аста-секин кўтарилиши кесувчи асбоб тиғининг емирилишини жадаллашишига сабабчи бўлади. Синов ишларини бажаришда диаметри $\varnothing 50$ мм Р6М5 тез кесар асбобсозлик пўлатли фрезалар танланиб ФУС-32 маркали фрезалаш дастгоҳида 34ХН1МА маркали қотишмага ишлов берилганда фреза шакллари қуйидаги ҳолга келди. Дисксимон фрезаларнинг Навоий машинасозлик заводининг марказий лабораториясидаги МИМ микроскоп орқали ишлов беришдан олдинги ва ишлов беришдан кейин фреза шакллари тасвирга олинди. Комплекс ишлов берилган дисксимон фрезалар билан оддий ишлов берилмаган ва (TiAl)N қопламалар орасида катта тафовут намоён бўлди (4-расм).

Расмдан кўриниб турибдики, фрезаларни микроскопдаги кўринишидан, комплекс ишлов берилган фрезаларда кесувчи қирралар кўп ейилмаганлиги аниқланди. Емирилишга бардош қопламали кесувчи асбобларга дастлабки ишлов бериш, шу жумладан ион-азотлаш, юзани ион-легирлаш кесувчи асбоб чўққисининг емирилишини секинлашишини таъминлайди ва тиғнинг ўтмаслашишини камайтиради. Бунинг сабаби шундаки, қоплама остидаги хусусиятлари ўзгартирилган таг қуйма қатлам кимёвий жиҳатдан пассив ва ишлов берилувчи материал билан ўзаро адгезион таъсирининг камлигидадир (5-расм). Nb ва Hf нитридлари барқарор ва мустаҳкам оксидлар ҳосил қилади. Натижада контакт юза жараёнларидаги характеристикалар ўзгаради, бу эса асбобнинг кесувчи тиғидаги иссиқлик ҳосил бўлишини сезиларли камайтиради.



5-расм. Дисксимон фрезаларнинг ишлов берилганда ташқи диаметрларининг емирилиши.

Тадқиқот учун танланган дисксимон фрезаларнинг ишлов беришдан олдинги ва кейинги ташқи диаметрлари микрометр орқали ўлчанганда комплекс ишлов берилган фрезаларнинг емирилишга мустаҳкамлигини ошганлигини кўриш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал


Ишлов беришда фрезаларнинг олдинги ва кейинги диаметрлари

Кесувчи асбоб турлари	Кесиш режимлари			Асбоб турғунлиги T, мин
	N, айл/мин	t, мм	S, мм/мин	
Дисксимон фреза №1 (қоплама (TiCr)N-(TiAl)N-(CrAlSi)N+ион-азотлаш)	250	3.0	100	1. Ишлов беришдан олдинги фреза ташқи диаметри Ø49.5 мм.
				2. Кесиш чуқурлиги 3 мм узунлиги 170 мм
				3. Ишлов беришдан кейинги емирилиш диаметр бўйича 0.2 мм
Дисксимон фреза №2 (қоплама (олмоссимон қоплама (DLC))	250	3.0	100	1. Ишлов беришдан олдинги фреза ташқи диаметри Ø49.3 мм.
				2. Кесиш чуқурлиги 3 мм узунлиги 170 мм
				3. Ишлов беришдан кейинги емирилиш диаметр бўйича 0.15 мм.
Дисксимон фреза №3 (қоплама ((TiAl)N + ион-азотлаш+ион-легираш	250	3.0	100	1. Ишлов беришдан олдинги фреза ташқи диаметри Ø50 мм.
				2. Кесиш чуқурлиги 3 мм узунлиги 170 мм
				3. Ишлов беришдан кейинги

(NbHf))				емирилиш диаметр бўйича 0.1 мм.
Дисксимон фреза №3 (қоплама (TiAl)N + ион- азотлаш+ион- легирлаш (NbHf))	250	3.0	100	1. Ишлов беришдан олдинги фреза ташқи диаметри Ø50 мм.
				2. Кесиш чуқурлиги 3 мм узунлиги 170 мм
				3. Ишлов беришдан кейинги емирилиш диаметр бўйича 0.1 мм.
Дисксимон фреза №4 (қоплама (TiAl)N)	250	3.0	100	1. Ишлов беришдан олдинги фреза ташқи диаметри Ø49.5 мм.
				2. Кесиш чуқурлиги 3 мм узунлиги 170 мм
				3. Ишлов беришдан кейинги емирилиш диаметр бўйича 0.4 мм
Дисксимон фреза №5 (қоплама (TiAl)N + ион- азотлаш)	250	3.0	100	1. Ишлов беришдан олдинги фреза ташқи диаметри Ø49.6 мм.
				2. Кесиш чуқурлиги 3 мм узунлиги 170 мм.
				3. Ишлов беришдан кейинги емирилиш диаметр бўйича 0.2 мм.
Дисксимон фреза №6 (қоплама (TiCr)N-(TiAl)N- (CrAlSi)N (nATCrO3))	250	3.0	100	1. Ишлов беришдан олдинги фреза ташқи диаметри Ø50.7 мм.
				2. Кесиш чуқурлиги 3 мм узунлиги 170 мм
				3. Ишлов беришдан кейинги емирилиш диаметр бўйича 0.2 мм.
Дисксимон фреза №7 (оддий ишлов берилмаган P6M5)	250	3.0	100	1. Ишлов беришдан олдинги фреза ташқи диаметри Ø49.5 мм.
				2. Кесиш чуқурлиги 3 мм узунлиги 170 мм
				3. Ишлов беришдан кейинги емирилиш диаметр бўйича 0.5 мм.


Ион-легирланмаган қопламали кесувчи асбоблар тағ қуйма очилгандан сўнг орқа юзадаги ишқалиниш шароитлари қопламасиз асбобларга ўхшаш бўлади. Комплекс ишлов берилган кесувчи асбобларда қоплама кўчиб кетган тақдирда ҳам мустаҳкамланган юза қатлами ўз функциясини бажаришда давом этади. Комплекс ишлов бериш кесувчи асбоб олд юзасининг ўтмаслашиб емирилишини олдини олади.

Тадқиқодлар шуни кўрсатадики, тез кесар асбобсозлик пўлатини мустаҳкамлигини оширишда, аввал ион-азотлаш, кейин юзани импульсли электрон-нурлар орқали қатламни ниобий, гафний нитридлари билан ион-легирлаш ва қоплама қопланганлиги сабабли эришилган (6-расм).




6-расм. Кесувчи асбобнинг кўндаланг кесим юзаси бўйлаб микроқаттиқлиги.

Асбоб материали ва емирилишга чидамли қоплама ўртасига термобарқарор қатламнинг киритилиши асбоб материалининг пластик мустаҳкамлиги захирасининг ва асбоб матрицаси қаттиқлигининг ошишига кўмаклашади, бу эса асбоб кесиш қисмининг қайишқоқ эгилишларига мойиллигининг пасайишига ва кесиш жараёнида термомеханик юкламалар таъсирида вужудга келадиган пластик деформацияланиш натижасида шакл барқарорлигининг йўқолишини олдини олишга кўмаклашади. Бундан ташқари, термобарқарор қатлам ва асбоб материалларининг иссиқлик физик-механик хоссаларидаги фарқни компенсациялашга кўмаклашади ҳамда асбоб материалининг юзали иссиқбардошлигини ошириб, кесувчи асбобдан кўпроқ фойдаланиш эҳтимоллигини оширади (7-расм). Ҳозирги вақтда асбобни мустаҳкамлашнинг дунё амалётида электр газли зарядсизланиш плазмасида азотлаш ва цементациялаш усуллари кенг қўлланиляпти. Хусусан, тез кесар Р6М5 кесувчи асбобларни ионли-азотлаш қаттиқликни 60-80 мкм чуқурликда 108 МПа гача ва юза олди қатламларининг иссиқбардошлигини 20-50⁰С га оширишга имкон беради.



1-Асбобсозлик пўлати, 2-адгезион термобарқарор азотланган қатлам, 3-легирланган қоплама ости, 4-қоплама қопланган.

7-расм. Комплекс ишлов берилган юза.



8-расм. Дисксимон фрезаларнинг вазни бўйича емирилиш диаграммаси.

Кесувчи асбобларнинг емирилишга чидамлилигини кўпайтириш орқали ишлаб чиқариш қувватини оширилганлиги. Кесувчи асбобларнинг иш унумдорлиги уларнинг емирилишга бардошлилиги билан бевосита боғлиқ. Ишлаб чиқариш интенсивлигининг ошиши билан кесувчи асбобнинг турғунлиги камаяди. Комплекс ишлов бериш усули билан дисксимон фреза тишлари емирилишга бардошлигини ошириш учун танланган кесувчи асбоблар («Навоий машинасозлик заводи» ИЧБда ишлаб чиқаришга жорий этилган.

ХУЛОСАЛАР

1. 34ХН1МА маркали мураккаб тузилишли, ишлов бериш қийин бўлган материални фрезалашда, илк бор Р6М5 тез кесар асбобсозлик пўлатли кесувчи асбобга комплекс ишлов бериш-дастлаб ион-азотлаш, ион-легирлаш ва кесувчи асбобнинг функционал юзасини емирилишга бардошли қоплама қоплаш технологияси ишлаб чиқилган. Бу емирилишга чидамли қоплама қоплаш технологияси тез кесар пўлатларнинг юза мустаҳкамлигини ошириш учун қўллаш имконини беради.

2. Кесувчи асбобларнинг юзасига кимёвий-термик ишлов бериш дастлаб ион-азотлаш икки поғонали вакуум ёйли разрядда 490⁰С ҳароратда, 30 минут вақт давомийлиги ва 80/20 % азот/аргон муҳитида, сўнгра, ион-легирлаш Nb₇₀Hf₃₀ элементлари орқали электрон импульсларнинг чакнаш вақти 5 мкс да, такрорийлиги эса 5-6 марта, жараёни 15 минут вақт давоми режими

композициясида таг қўйманинг мустаҳкамланиш қонуниятлари асосида ишлаб чиқилган. Бу кесувчи асбобларнинг юзасига кимёвий-термик ишлов бериш учун хизмат қилади.

3. Юзаси (ион-азотлаш+(TiAl)N, ион-азотлаш+(TiCr)N-(TiAl)N-(CrAlSi)N (nATCrO³)) кимёвий-термик ишлов бериш ва қоплама қопланган дисксимон фрезанинг 34ХН1МА маркали иссиқбардош материалга ишлов беришда кесиш хусусиятларига ва тишлар емирилишига таъсири, кесув асбоб ташқи диаметрлари, массалари ва микроскопдаги кўринишлари орқали аниқланган. Бу иссиқбардош материалга дастлаб ион-азотлаш ва кўп қатламли қоплама қоплаш усули билан ишлов бериш асосида унинг емирилишга бардошлигини ошириш имконини беради.

4. Юзаси (ион-азотлаш+легириш(NbHf)+(TiAl)N) кимёвий-термик ишлов берилган, электрон нурлар билан модификациялаб легириланган ва қоплама қопланган дисксимон фрезанинг 34ХН1МА маркали қотишмага ишлов беришда кесиш хусусиятларига ва тишлар емирилишига таъсири аниқланган. Бу кесувчи асбобларнинг юзасига электрон нурлар билан ишлов бериш асосида қаттиқлигини ошириш учун хизмат қилади.

5. Юзаси кўп қатламли (TiCr)N-(TiAl)N-(CrAlSi)N(nATCrO³), олмоссимон ва (TiAl)N қоплама қопланган дисксимон фрезанинг 34ХН1МА маркали мураккаб тузилишли материални юқори кесиш режими фрезалашда, кесиш хусусиятларига ва тишлар емирилишига таъсири, кесув асбоб ташқи диаметрлари, массалари ва микроскопдаги кўринишлари орқали аниқланган. Бу кўп қатламли қопламалар фрезаларнинг кесиш режимини ишлаб чиқиш учун хизмат қилади.

6. Қуйма усулида олинган 34ХН1МА материалга ишлов беришда кескич ўзаклари тиғини емирилишга бардошли қоплама қоплаш мақбул режимлари, физикавий усулда 480 °С ҳароратда, 3 соат вақт давомийлигида кесувчи асбоб юзасини емирилишга бардошлигини ошириш қонуниятлари асосида ишлаб чиқилган. Бу қопламалар қуйма усулда олинадиган мураккаб материалларга ишлов бериш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019. Т.03.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ШАРИПОВ ЖАМШИД ОЛИМОВИЧ

**ПОВЫШЕНИЯ ИЗНОСОСТОЙКОСТИ ПОВЕРХНОСТИ ЗУБЬЕВ
ДИСКОВЫХ ФРЕЗ МЕТОДОМ КОМПЛЕКСНОЙ ОБРАБОТКИ**

05.02.01- Материаловедение в машиностроении. Литейное производство. Термическая обработка и обработка металлов давлением. Металлургия черных, цветных и редких металлов.
Технология редких, благородных и радиоактивных элементов

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент–2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.2.PhD/Т1143.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб – странице Научного совета по адресу (www.tdtu.uz) и информационно – образовательном портале «Ziyonet» по адресу (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Тураходжаев Нодир Джахонгирович**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Дуняшин Николай Сергеевич**
доктор технических наук, профессор
Ахмедов Хасан Исломович
кандидат технических наук, доцент

Ведущее предприятие: **Ферганский политехнический институт**

Защита диссертации состоится «18» февраль 2023 г. в .14⁰⁰.. часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 при Ташкентского государственном технического университете. (Адрес: 100095, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 2. Тел./факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (регистрационный номер 304). (Адрес: 100095, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 2. Тел./факс: (99871) 227-10-32.

Автореферат диссертации разослан «4» февраль 2023 года.

(протокол реестра № 157 от «03» февраля 2023 года).

К.А.Каримов
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н.,
профессор

Ш.Б.Ташбулатов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
философии по техническим наукам, (PhD)

Н.С.Дуняшин
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых
степеней, д.т.н., профессор

Введение(аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сегодня в мире для производства различных деталей в машиностроении используются сплавы труднообрабатываемых материалов. Для обработки таких сплавов выпускаются фрезы специальной геометрии, обеспечивающие требуемые углы резания и беспрепятственный отвод стружки. Вместе с тем особое внимание уделяется созданию методов использования существующих материалов режущего инструмента за счёт модификации поверхностного слоя с помощью методов, основанных на обработке путём ионно-плазменного воздействия.

Во всем мире в машиностроительной промышленности ведутся многочисленные исследования по модификации поверхностного слоя методами, основанными на ионно-плазменной обработке, для повышения стабильности режущего инструмента, закономерностей процесса резания, его изнашивания, трения, термостойкости.

В последние годы в стране стремительно развиваются технологии машиностроения, тем самым проводятся ряд работ по производству деталей, являющихся их основой, а также локализации и сокращению импортной продукции на предприятиях, при этом принимаются меры по использованию зарубежного опыта. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи по «созданию технологий получения импортозамещающей продукции из местного сырья и вторичных ресурсов»¹. В связи с этим в машиностроении актуальным является проведение исследований по повышению устойчивости зубьев дисковых фрез методом комплексной обработки деталей.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-2298 от 11 февраля 2017 года «О программе локализации производства готовой продукции, комплектующих изделий и материалов на 2015-2019 годы», № УП- 4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, № УП-4891 от 6 апреля 2017 года «Критический анализ производства и состава товаров (работ, услуг), углубление локализации производств, направленных на импортозамещение» и постановлении № ПП -4410 от 31 июля 2019 года «О мерах по ускоренному развитию сельскохозяйственного машиностроения, государственной поддержке обеспечения аграрного сектора сельскохозяйственной техникой» и других нормативно-правовых актов, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в

соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики: II «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. Научно-исследовательские работы по повышению стабильности режущего инструмента, закономерностей процесса резания, его устойчивости к изнашиванию, трению, нагреванию проводили такие учёные как J.Lin, M.O'Hara, M.Gueye, S.Ammar-Merah, N.Nemati, C.M.Koller, S.A.Glatz, L.Rassouli M.Azadi, Y.ChengD.Shao, J.Zhang, Y.X.Wang, J.Mu, K.BobzinB.Knasiene, B.Lenz,M.Naeem, Alessandro Togni, В.П.Табаков, А.С.Верещака, С.Н.Григорьев, А.А.Верещака, С.В.Фёдоров, А.В.Исаев, В.А.Мирбобоев, М.Т.Балабеков, Ф.Ю.Якубов, Ф.О.Умаров,А.А.Абдурахмонов, Н.С.Абдуллахонов, К.А.Каримов, Т.У.Ҳолиқбердиев, А.Н.Ҳошимов, К.Б.Усмонов, Ҳ.И.Жалилов и другие.

Ими были разработаны научные теории формирования нового композитного слоя для повышения прочности поверхностного слоя режущего инструмента, тепловых энергетических балансов в механической обработке и технологии получения новых видов режущего инструмента.

Одновременно ведутся научные работы по модификации поверхностного слоя методами, основанными на ионно-плазменной обработке, для повышения стабильности режущего инструмента, закономерностей процесса резания его устойчивости к изнашиванию, трению, нагреванию.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена работа. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Бухарского инженерно-технологического института в рамках прикладного проекта ОТ-Атех-2018-373 “Разработка технологии нарезания зубьев пилы рабочей части пильно-цилиндрического устройства технологических машин для разделения семян хлопчатника с помощью лазерного излучения” (2018-2020 г.г.)

Целью исследования повышение износостойкости зубьев комплексной обработкой дисковой фрезой из инструментальной быстрорежущей стали при фрезеровании материалов сложной структуры.

Задачи исследования:

Определение рациональных режимов комплексной обработки дисковой фрезы с быстрорежущей сталью P6M5;

определение влияния на режущие свойства и разрушение зубьев дисковой фрезы с покрытием и термохимически обработанной поверхностью (ионное азотирование +(TiAl)N, ионное азотирование +(TiCr)N-(TiAl)N-(CrAlSi)N);

